ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 10 (288) 2002 йил 6 март, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Мамлакатларимиз ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатганига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан, Сизга ва ўзбек халқига бахт-саодат, равнақ ва муваффақиятлар тилаб билдирилган энг эзгу тилакларимни йўллаш шарафига муяссарман.

Ушбу сананинг нишонланиши бизга ўтган ўн йил мобайнидаги самарали ҳамкорлигимиз якунларини сарҳисоб қилиш учун асос бўлади. Биз бирга босиб ўтган йўл халқларимизга бир-бирини яхшироқ таниш имконини берди. Сиёсий муносабатларимиз мазмунан тобора бойимоқда. Маънавий меросимизни идрок этиш, келгуси авлодни камолга етказиб тарбиялашга қаратилган маданий ҳамкорлик ва илмий-техникавий алоқаларимиз дўст мамлакатларимиз равнақи йўлида ривожланмоқда. 1999 йилда мудофаа соҳасидаги ҳамкорлигимизга тамал тошини қўйдик. 2001 йили Ҳукуматларимизаро иқтисодий комиссия иш бошлади ва шу йилнинг июл ойида Тошкентда унинг илк мажлиси бўлиб ўтди. Ниҳоят, мамлакатингиз ўтган йили ўтиш даврини бошдан кечираётган ва кўплаб имтиёзлардан фойдаланадиган давлатлар рўйхатига киритилди. Бу эса шу йилнинг ўзидаёқ Қарши шаҳрида ва Қашқадарё вилоятида ирригация борасидаги лойиҳаларни амалга оширишга киришиш учун йўл очди.

Давлат идораларининг ҳамкорлиги, жумладан, молия соҳасидаги ҳамкорлик ривожланаётгани, 2001 йилнинг октябрида ваколати бутун Марказий Осиё минтақасида амал қиладиган полиция атташеси тайинланиб, ички ишларга тааллуқли органлар ўртасида алоқалар қарор топгани, шунингдек, Франция Марказий Осиёни ўрганиш институтининг аҳамияти ошиб бораётгани мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил равнақ топаётгани ва қирралари кўпаяётганидан дарак беради.

Французлар Ўзбекистонни тобора кўпроқ танимоқда. Унинг маданияти, анъаналари ва минтақадаги юксак мавқеи ҳам давлат идоралари, ҳам хусусий компанияларнинг қизиқишини орттирмоқда. Франция бундан буён ҳам Ўзбекистон билан мулоқот ва ҳамкорликни барча соҳаларда мустаҳкамлаб бораверади.

Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Эзгу тилаклар билан,

Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 5 март

***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларини амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги ишлари концепцияси тўғрисида.
3. «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йилдаги ижроси тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси ҳақида /иккинчи ўқиш/.
6. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида /иккинчи ўқиш/.
7. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида /иккинчи ўқиш/.
8. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида /иккикчи ўқиш/.
9. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида /иккинчи ўқиш/.
10. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
11. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

***

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

3 саҳифада

Субҳи содиқ қоракўз
турналар учди,
Ҳувайдо эт энди,
қувончларинг гул.
Энди сен уйғондинг,
уйғоқ мудроқ тут,
Сим-сим эшигинг оч,
шукуфа кўнгил.
Сим-сим эшигинг оч, ишққа.
Бу баҳор -
Элингдан кетмасин,
кўзларидан ўп.
Балки юз, минг
йиллар йўл босиб бедор -
Пешонагга битган
сен кутганинг ЭРК.

БАҲОРНИНГ ЗАВҚЛИ ЮМУШЛАРИ

Баҳор юртимизга ҳар доим ёқимли юмушлари билан кириб келади. Назаримизда баҳор юртимизга доимо ўз вақтида келиши билан ҳам бизни беихтиёр этади.

Тасаввур қилинг, қайсидир юрт замини ҳали қор қўйнида, қайсидир юртда эса қишда ҳам елкани қуйдирадиган офтоб. Бизда эса қиш-қишдек, баҳор - баҳор каби гўзал, ёз - ёз каби соз, куз - хазонлари билан куз.

Шундай қилиб баҳор келди ва юртимизга одатдагидек ўз вақтида ўз юмушлари билан кириб келди. Баҳорнинг ўзи аслида биз учун байрам, яна ўзи билан бирга гўзал байрамларни олиб келади. Икки кун ўтиб муниса, меҳрибон хотин-қизларни байрамлари билан қутлаймиз, ҳозирданоқ Наврўз руҳи кезиб юрибди юртимизда. Буларнинг ҳаммаси табиат одати билан ҳамоҳанглигини айтмайсизми?

Бугун аниқроғи 1 март куниданоқ юртимиз аҳолиси, барча аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга киришдилар. Мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан ободонлаштириш икки ойлиги эълон қилинди. Бу ишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Маҳалла» жамғармасининг барча бўғинлари фаол ташкилотчиси бўлиши эътироф этилди.

Наврўз байрами арафаси - 16 март куни эса мамлакатимиз бўйлаб шанбалик уюштирилади. Бу юмушда барча маҳаллалар аҳли астойдил бел боғлаб юртимизнинг янада обод, озода бўлишини таъминлайдилар. Шу куни ишлаб топиладиган маблағ эса «Маҳалла» жамғармасининг жойлардаги бўлинмалари ҳисобига тушади.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Бошқаруви Қарияларни қадрлаш йили Дастурини бажариш, Наврўз байрамини муносиб нишонлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ободонлаштириш икки ойлигини ўтказиш борасидаги кўрсатмаларини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллалараро «Энг обод маҳалла» Республика кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди.

«ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА» КЎРИК-ТАНЛОВИ ШАРТЛАРИ

1. Кўрик-танловнинг мақсади

Наврўз байрамини муносиб нишонлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишида қайд этилган мамлакатимизда 1 мартдан 1 майгача аҳоли жойларида ободонлаштириш икки ойлигини ўтказиш кўрсатмаларини амалга тадбиқ этиш мақсадида ва шу йўл билан ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кам таъминланган, меҳр-шафқатга муҳтож оила ва шахсларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, Қарияларга иззат-икром кўрсатиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйишда намуна бўлган маҳаллаларни аниқлашдан иборат.

2. Кўрик-танловни ташкил қилиш ва ўтказиш

Кўрик-танлов Республика Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан ташкил қилинади ва ўтказилади. Бунинг учун Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тузилади.

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқич 2002 йилнинг 20 мартигача ўтказилиб, ҳар бир туман (шаҳар)дан биттадан энг обод деб топилган маҳалла жойлардаги Наврўз тантаналарида эълон қилинади ва тақдирланади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар, Тошкент шаҳри босқичига тавсия этилади.

Иккинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиблиги учун 2002 йилнинг 10 апрелигача ўтказилиб, ғолиблар аниқланади ва 15 апрелгача Республика кўрик-танлов комиссиясига тақдим этилади.

Республика кўрик-танлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни 25 апрелгача кўриб чиқиб, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсати тасдиғига киритади.

3. Кўрик-танловда қатнашиш шартлари

Кўрик-танловга Республикадаги барча маҳаллалар жалб этиладилар. Бунда тегишли комиссиялар маҳаллаларнинг обод, саранжом-саришталигини, ҳовли-кўчаларининг тозалигини, хонадон соҳиблари ва оила аъзоларининг табиат экологиясига бўлган муносабатларини, кўчат, гул ўтказиш, ариқ, анҳорларни тозалашдаги, «Сумалак сайли», «Кўкатлардан тайёрланган миллий таомлар кўриги», турли тадбирлар, маънавий маърифий ишларни ҳар томонлама ўрганиб, танлов ғолибини аниқлайди:

Кўрик-танловда иштирок этишда маҳалла ҳаётининг ҳамда танлов шартлари бажарилишини акс эттирувчи ҳужжатлар, фото суратлар, видеокассеталар илова қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи ва учинчи босқичларга тавсия этилганда қуйи босқичларда ғолиб бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

4. Кўрик-танлов ғолибларини рағбатлантириш

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) ғолиблари «Маҳалла» жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари томонидан тақдирланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғолиб деб топилиб, биринчи ўринни эгаллаган ва Ўзбекисон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсати тасдиғидан ўтган маҳаллалар Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви Фахрий Ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланадилар.

БУ СОНИНГ

2-САҲИФАСИДА

- *Маҳалламиз мўъжаз шаҳарчага ўхшайди!*
- *Ҳаж савобига шерик инсонлар.*
- *Дунёда дунёча гап...*

3-САҲИФАСИДА

- *Маҳаллага Молдовадан келин тушганди...*
- *Халқини севган, халқига севилган шоира.*
- *Маҳалламиз аёллари...*

4-САҲИФАСИДА

- *Бобораҳим Машраб онасига муҳаммас бағишлаган экан...*
- *Сериал тугади. Сериал давом этади.*
- *Кўр ҳам, кар ҳам эмасмиз. Лекин...*

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Масъул котиб: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

Бу йил Россиядаги ахлоқ тузатиш колонияларидан 330 минг маҳбус озод этилади. Хусусан авф этиш орқали 10 минг ўсмир, 14 мингга яқин аёл уйларига қайтади. Ҳозир мамлакат қамоқхоналарида 700 мингдан зиёд маҳбус бор. Улардан ташқари яна 250 мингдан ортиқ одам тергов изоляторларида сақланмоқда.

***

Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе Россия ахборот воситаларида бу мамлакатнинг АҚШ билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш хусусида билдираётган хабарларига тўхталиб: «Бу нарса бизни Россия билан бўлган алоқаларимизга таъсир этмайди, дўстлигимиз аввалгидек қолаверади» деди. Россия президенти В.Путин юқоридаги масала тўғрисида ўз қарашини - қайси мустақил давлатнинг ким билан ҳамкорлик қилиш унинг ихтиёрида эканлигини таъкидлади.

***

Ҳиндистоннинг Гужарат штатидаги можаро тобора фожеавий тус олмоқда. Индустлар кеча мусулмонларга қарашли йигирма саккизта бинони ёқиб юборганлар. Шу кунгача бу можаро туфайли 500 дан ортиқ одам нобуд бўлган. Бу келишмовчилик аслида мусулмонлар томонидан Айодъи Аҳмадободга бораётган поездни ёндириб юборилиши натижасида келиб чиққан эди.

***

Ироқ бош вазирининг ўринбосари Т.Азиз халқаро ташкилотнинг вакиллари бўлган инглизлар мамлакатга киришлари учун рухсат берилиши мумкинлигини айтиб, бунинг учун вакиллар қайси объектларни кўриш истагида эканликларини олдиндан билдиришлари лозимлигини таъкидлаган.

***

Ниҳоят Швейцария ҳам жаҳон ҳамжамиятининг аъзоси бўладиган бўлди. Яқинда бу мамлакатда ўтказилган референдум натижаси аҳолининг кўпчилиги шу фикрни ёқлаганлигини билдирди. Бундан ўн олти йил аввал ўтказилган сўровда аҳолининг фикри тамоман ўзгача эди. Швейцария БМТга кирган бир юз тўқсонинчи давлат бўлади.

***

Америкага расмий ташриф билан борган Миср президенти Ҳ.Муборак урушаётган Исроил ва Фаластин раҳбарлари учрашувида воситачилик қилиши мумкинлигини, бу учрашув иккала давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилиши мумкинлигини айтган.

***

Исроил ҳарбийлари томонидан кеча эрталабдан бошланган ҳарбий ҳаракатлар тобора шиддатли тус олмоқда. Ҳужум натижасида 16 фаластинлик фуқаро ҳалок бўлган. Фаластин раҳбари Ё.Арофатнинг Ғазодаги қароргоҳига ҳам кемадан ракета отилган. Исроил бош вазири А.Шарон террористлар аёвсиз жазоларини олишларини таъкидлаган.

Вилоят минбари

МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ САРИ ИЛГАРИЛАЙМИЗ

«Эндиликда ҳар бир маҳалла боғу бўстонга айланади!» дейди суҳбатдошимиз. Бу эзгу ният. Негаки, энг кўркам ва обод маҳаллалар юртимизнинг фахри, ғурури. Бундай масканларда яшаётганлар ҳам ўз маҳаллаларига муносиб бўладилар.

Ёш авлодни юртпарвар, қадриятларимизга садоқатли ва ҳунарманд қилиб тарбиялашда маҳаллалар фаоллари қандай йўл тутишмоқда? Оилалар аҳиллигини таъминлашга доир суҳбат ва учрашувлар ўтказиб борилаётирми? Тошкент вилояти Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси Тўлқин МИРКОМИЛОВ билан бўлган суҳбатимиз ана шундай саволлар атрофида кечди.

- Албатта, маҳалланинг одамлар онг ва тафаккурига таъсирини унутмаган ҳолда, унда яшаётган кишиларнинг маънавий дунёси, маърифий эҳтиёжларининг муҳим аҳамият касб этишини ҳам унутмаслигимиз зарур. Президентимизнинг «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» деган асари бўйича ўтказилган учрашувга меҳнат ва уруш фахрийлари иштирок этишиб, ёшларга ҳаёт сабоқларини сўзладилар, уларнинг саволларига жавоб беришди. Асар мазмунига оид суҳбатлар ёшларимизда катта таассурот қолдирди. Кўп ўтмай, ёшларимизнинг ташаббуслари билан юртбошимизнинг «Ҳушёрликка даъват» китоби бўйича ҳам суҳбат уюштирилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги маҳаллаларда бўлиб ўтган шундай учрашув ҳамда суҳбатларга «Футболимиз - фахримиз» мусобақалари уланиб кетди. Маълумки, ёшларимизни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда ва уларнинг вақтини бекорга ўтказмасликларини таъминлашда спорт ўйинларининг аҳамияти катта. Ўтган йилнинг ўзидаёқ Қибрай туманидаги Соҳибкор маҳалласида футбол стадиони, Чинобод маҳалласида спорт комплекси, Зангиота туманидаги Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида спорт мажмуаси қурилди.

Ҳар бир маҳаллада кишиларимизнинг ҳуқуқий маданияти, тиббий саводхонлиги ҳамда маърифий даражасини ошириш мақсадида турли тадбирлар уюштираяпмиз. Маҳаллалар марказларида кутубхона бўлишига эришаяпмиз.»Ота-оналар дорилфунуни» эса ҳар бир маҳаллада фаол иш юритаяпти. Чиноз, Қибрай, Юқоричирчиқ туманлари ва Ангрен, Олмалиқ шаҳарларидаги маҳаллаларда бундай дорилфунунлар орқали суҳбатлар уюштирилиб, қизларни турмушга тайёрлаш, ўғил болаларни эса журъатли, мард ва жасур этиб тарбиялаш, умуман ёшларни ҳар жиҳатдан билимдон бўлишлари учун имконлар яратиб беришга эришилмоқда. Кейинги йилларда маҳаллалар кишилар ўртасида турли тарбиявий-маърифий ишларни йўлга қўйиш баробарида уларни санъатимиз янгиликлари билан таништиришга ҳам улгураяпмиз. Ўтган йилда юзлаб кишиларимизни пойтахтдаги Алишер Навоий номли опера ва драма театрига тушишлари учун шароит яратилди. Юқоричирчиқ туманидаги 34- ва 3-мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари маҳалла фаоллари кўмагида Тошкент шаҳридаги қўғирчоқ театри томошаларидан баҳраманд бўлдилар.

Маҳаллаларимизда «тарбияси оғир» болалар билан ишлашга алоҳида аҳамият берилади. Чунки, бундай болаларни ҳозирданоқ тўғри йўлга бошлаш уларга ҳомийлик қилиш эвазига эришилади. Шу учун ҳам отаонасиз ёки қаровсиз қолган болалар маҳалла оқсоқоллари, прокуратура ходимлари ва соғлиқни сақлаш бошқармалари мутасаддилари билан келишган ҳолда шарт-шароити қулай бўлган оилаларга асраб олиш учун берилади.

Барча шаҳар, туманлардаги маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришга оид суҳбатлар доимий равишда ўтказилади. Баъзида саҳна кўринишлари ва мутахассислар таҳлилларидан ҳам фойдаланилади. Шунингдек маҳалла ва гузарларда ўтмишда яшаб ўтган улуғ шахсларнинг ижодларига бағишланган кечаларни ташкил этиш режаларини тузганмиз. Миллий қаҳрамонларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш билан бирга ёшларимиз маҳаллаларимизда яшаб ижод қилган таниқли кишилар билан ҳам учрашиб суҳбатлашадилар.

Яраштириш комиссиялари ишини янада яхшилаяпти. Буларнинг ҳаммаси кишиларимиз маънавиятини бойитиш, турмуш даражасини ошириш, қадриятларимиздан четга чиқмаган ҳолда замонавий яшаш тарзини қўллаши йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Зеро, қаердаки маънавий покланиш, маънавий янгиланиш жараёни жадал тус олса, ўша жойда фаровонлик ҳам, бахту саодат ҳам барқарор бўлади. Озод ва улкан давлатни барпо этиш, маҳалла «парламенти»ни яратиш ўз-ўзидан осон кечмайди. Эзгулик ва маънавий янгиланиш сари қўйилган қадам эса келгусида ижобий самаралар бериши шубҳасиз. Биз шунга ишониб яшаяпмиз.

Ўз мухбиримиз ёзиб олди.

Коракалпоғистон

МАНҒИТДА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ

Амударё туманида тиббиётни ислоҳ қилиш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Яқинда туман маркази Манғит шаҳрида шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш маркази дастлабки беморларни қабул қилди. Янги тиббиёт марказида 18 та ўрин бўлиб, туманнинг барча овул аҳолисига хизмат кўрсатади. Малакали тиббиёт ходимлари касалликнинг олдини олиш учун тўғри ташхис қўйиш, беморларнинг дардига даво топишда намунали иш олиб бораяпти. Бунинг учун улар энг замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланмоқда.

Бундан сал олдин «Тўлқин» ширкат хўжалигида қишлоқ шифо пункти фойдаланишга топширилиб, овул фуқаролари оғирини енгил қилган эди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, «Mahalla» мухбири.

Заррин ҳошияли ипак кашталар тиккан бу чевар келинчак бугун тонгги саломга чиқиб, она юрт учун таъзим қилмоққа шай.

Андижон

Қорақўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунали маҳаллалар кўп. Ўтган йилда Жийдамозор маҳалласининг иш тажрибалари кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатилган бўлса, ушбу йилда Темур Юсупов номли маҳалла аҳлининг эзгу тадбирлари ён-атрофдагилар эътиборини жалб қилмоқда.

МАҲАЛЛА ЭМАС, ШАҲАРЧА ДЕЙСИЗ...

Бир қарашда бу маҳалла мўъжазгина шаҳарчага ўхшайди. Қатор савдо дўконлари, радио-телевизор, пойабзал таъмирлаш устахоналари, нонвойхона, сартарошхона мавжуд. Уйлар атрофи саранжом-сариштa. Кўклам ҳиди келаётган ушбу кунларда маҳаллада ободонлаштириш, боғ ва гулзорларни кўпайтириш сингари юмушларга қўл урилди. Мақсад - маҳалла ҳуснини ошириш, Ватан ободлигига ҳисса қўшишдан иборат.

- Маҳалламизда юз билан юзлашган момолар, ўзгалар мададига муҳтож қариялар, серфарзанд хонадонлар бор,- дейди маҳалла оқсоқоли Турғунбой Бозоров. - Доимо уларнинг холидан хабар олиб турибмиз. Ғулом Нурматов, Имомназар Қодиров, Қодиржон Акбаров каби саховатпеша инсонлар эса қариялар ва кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашмоқда. Маҳалламизда ҳеч ким ҳеч нарсага зориқмасин, ариза кўтариб турли идораларда сарсон бўлиб юрмасин, деймиз. Ҳамма саъй-ҳаракатларимиз маҳалладошларга яхшилик қилишга қаратилган.

Ҳа, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бор жойда, ютуқлар, ҳам бўлади. Бундай жойда маҳаллалар шаҳарчаларга айланади, эл-улус тўқ ва фаровон яшайди.

Сойибжон СОБИРОВ.
Марҳамат тумани.

Самарқанд

ИНСОН ҚЎЛИ ГУЛ...

- Озодалик аввало, ҳар бир хонадондан бошланади, - дейди Ургут туманидаги Почвон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юсуф Мухторов.

- Шу боисдан биз ҳовлилар ён-атрофини тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериш, деворларни оқлаш сингари юмушларни бажаришга ҳозирданоқ киришдик. Бу ишларда маҳалламиздаги катта-ю кичик фаол иштирок этмоқда. Бугун маҳалладошларимиз ўз уйлари атрофини озода сақлашни ўзларининг биринчи галдаги вазифалари деб биладилар.

Маҳалланинг ободлиги, саранжом-сариштaлигини кўриб, Юсуф аканинг шу сўзлари хаёлимизда ўтди. Аслида инсоннинг қўли гул. Агар у истаса, ҳар бир жойни боғу бўстонга айлантиради.

- Кишиларимизнинг ҳамжиҳатлиги бошқалардан ажралиб туради, - дейди, Почвон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Мавлонов. - Бу ердаги ҳар бир тадбир, қишлоқларимизга хос ҳашарлар кўтаринки руҳда ўтказилади. Чунки маҳаллада Х.Хусенов, Н.Кулиев, З.Аҳроров, Р.Шарифбоев сингари ташаббускор кишилар бор. Уларнинг сафи кун сайин кенгаймоқда. Қаердаки ташаббус кўп бўлса, ўша ерликлар тинч ва фаровон яшайди. Буни Почвон маҳалласи мисолида кўриш мумкин.

Ҳа, бугун ҳамма-ҳамма маҳаллаларда ободончилик ишларига қўл уриб, юртимиз чиройига чирой қўшиш учун бетиним меҳнат қилмоқда.

С. САНАҚУЛОВ.

Наманган

ҚАРИЯЛАР САЁҲАТГА БОРИШДИ

Чортоқлик меҳнат фахрийлари - Давлатали Акбаров, Сидиқжон Муллабоев, Шаҳобиддин Шарипов, Ҳамрохон Йўлдошева, Жўрахон Саиббоев, Қумрихон Тўрабоевлар , бизга ўз таассуротлари ҳақида сўзлаётиб, туман ҳокимлиги, «Нуроний», «Маҳалла» хайрия жамғармаларининг туман бўлинмасига алоҳида миннатдорчилик билдиришди.

- Биз бобоколонларимиз Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуалари ва Чустдаги табаррук қадамжоларни зиёрат қилиб қайтдик, - дейишди улар. - Юмшоқ ўринли автобус ҳамда «Дамас»лар сафар давомида ихтиёримизда бўлди. Бизнинг кўнглимизни кўтариб, Ҳаж савобини олганлар омон бўлишсин...

Саёҳатдан қайтган 120 дан ошиқ қариялар ўз дил изҳорларини ана шундай сўзлар орқали ифода этишди.

Эркин Тўлаганов, меҳнат фахрийси.

Савдогар ва харидор аҳолининг ижтимоий ҳимояси давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мазкур йўналишда эълон қилинган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг аҳамияти беқиёсдир.

ПЕШТАХТАДА ЙЎҚ ШАКАР ҚОҒОЗДА БОР

Аммо Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қабул қилган «Республикада савдони эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳамма жойда ҳам бирдек таъминланмаётгани ачинарли ҳолдир. Қарорда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ун, макарон, ўсимлик ёғи, шакар, чой, туз, хўжалик совуни ва гугурт каби энг зарур истеъмол товарларини имтиёзли нархларда сотиш белгиланган. Тошкент шаҳар савдо ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментидан олинган маълумотларга кўра, шаҳардаги 560 та озиқ-овқат дўконига мазкур қарорда белгиланган 8 хил маҳсулот марказлашган ҳолда тарқатилади. Шундан жорий йилнинг январь ойида белгиланган 430 сўм нархда аҳолига сотиш учун 3650 тонна, февраль ойида эса 1726 тонна шакар ажратилган ва белгиланган озиқ-овқат дўконларига етказилган.

Жорий йилнинг 9 февраль куни Шайхонтоҳур туманидаги Ҳувайдо ва Бўстон маҳаллаларига хизмат кўрсатувчи «Саидхон» хусусий фирмасига қарашли дўкон текширилганда, пештахтада шакар йўқ эди. Соликчилар томонидан дўкон омборхонаси кўздан кечирилганда эса, 2002 йил 7 февралда 1-2590-рақамли юк хати билан «Тошозиқовқаттаъминот» шўъба хўжалик жамиятидан 1,6 тонна шакар олиб келингани аниқланди. Аммо олиб келинган бу зарур товар савдога чиқарилмаган. Дўконга шакар келтирилгани тўғрисида маҳалла масъулларига ҳам маълум қилинмаган. Худди шундай ҳолат 10 февралда ўтказилган таҳлилда Юнусобод туманининг 11-мавзесида жойлашган «Саида Барака» хусусий фирмасига қарашли озиқ-овқат дўконида ҳам аниқланди. Аҳолига сотиш учун 8 февралдаги 2013-юк хати билан келтирилган 1,9 тонна шакар савдога чиқарилмаган. Аксинча, унинг 200 килограмми мазкур фирманинг қандолат цехига берилган. Ушбу дўкондан тўртта маҳалла аҳолисига белгиланган нархда шакар сотилиши керак. Бу маҳсулотларни аҳолига сотиш тартибига кўра, ишни ташкил этишда маҳалла фаоллари, хусусан, унинг раиси бошқош бўлиши, дўкон сотувчилари эса сотилган шакар ҳақида уларга ҳисобот топшириб туриши лозим. Лекин дўконга фақат битта Ҳусниобод маҳалласининг раиси Э.Фозилов томонидан аҳолига жами 1,9 тонна шакар 430 сўмдан сотилгани тўғрисида маълумотнома тақдим этилган.

Кўриниб турибдики, жойлардаги озиқ-овқат дўконларидаги шакар «чап»га кетаётганига маҳалла мутасаддиларининг ўзлари ҳам бефарқ. Агар улар бу масалага жиддий ёндашиб, ишни кўнгилдагидек ташкил этса, маҳалла аҳлининг шакарга бўлган талаби маълум даражада қондирилган бўларди.

Бундай камчиликлар шаҳримиздаги бошқа кўпгина озиқ-овқат дўконларида ҳам аниқланди. Аксарият ҳолатларда ҳукуматимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун қабул қилинган бундай хайрли қарорларнинг ижросини таъминлашга маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари жиддий ёндошмаётганлиги, баъзи ҳолларда қалбаки маълумотномалар ёзиб бераётганлиги ҳам аён бўлмоқда. Дўконларда ҳар доим ҳам зарур маҳсулотларнинг пештахталарга чиқарилмасдан, хуфёна сотилишидан кимлар манфаатдор?

Меҳри БОЛЛИЕВА, ЎзА мухбири.

Марғилон дўппиларининг довруғи дунёга кетган. Токи Шоҳида Мансуровадек (чапдан иккинчи) моҳир дўппидўзлар ҳунарига иштиёқманд ёшлар бор экан, дўппиларнинг қадри бошларимиз қадар баланд бўлаверади.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

Шарҳловчи минбари

АФҒОНИСТОН: АКСИЛТЕРРОР ОПЕРАЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Халқаро аксилтеррор коалициясининг Афғонистондаги ҳарбий тадбирлари давом этмоқда. Воқеалар ривожи шуни кўрсатмоқдаки, Афғонистонда уя қуриб олган «Ал-Қоида» жангарилари ҳамда қолган-қутган толиблар ҳали ҳам муваққат ҳукуматнинг мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлаши ва иқтисодий ислоҳотларни бошлашига тўсқинлик қилаётир.

Куни кеча Афғонистон шарқидаги Пактия вилоятининг тоғли туманларига беркиниб олган «Ал-Қоида» жангарилари ҳамда толиблар гуруҳига қарши ҳарбий операция бошланди. АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлиги вакили полковник Рик Томаснинг маълум қилишича, жанглар шиддатли тус олган. Муваққат ҳукуматга қарашли қўшин АҚШ, Буюк Британия, Канада, Германия, Франция, Норвегия, Дания ва Австралия ҳарбийлари билан бирга ўтган шанба куни террорчилар яширинган жойга ҳужум уюштирган. АҚШ ҳарбийларининг маълум қилишича, ушбу операцияга бир неча ҳафта аввал тайёргарлик кўрилган.

Мазкур операция Афғонистондаги ҳарбий тадбирлар орасида энг йириги бўлиши мумкин. Чунки тахминга кўра, Пактия тоғларида беш минтга яқин террорчи яширинган олган. Хабарларга қараганда, душанба куни жанг янада шиддатли бўлган.

Уруш қурбонсиз бўлмайди, деганларидек, ҳарбий устунлигига қарамай, Пактия тоғларидаги жангларда халқаро коалиция ҳам талафот кўрди. АҚШ қуролли кучлари вакили Ричард Майерснинг маълум қилишича, жангарилар АҚШнинг битта жанговар вертолётини уриб туширган. Натижада олти аскар ҳалок бўлган. Яна бир вертолётга ҳам ўқ теккан, бироқ у бирров ерга қўниб, кейин яна ҳавога кўтарилишга муваффақ бўлган. АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелднинг маълум қилишича, беш ойлик ҳарбий кампания давридаги энг йирик ушбу операцияда АҚШ армияси 9 аскарини йўқотган, қирқдан ортиқ ҳарбий эса жароҳатланган.

АҚШ аскарларининг ўлими Оқ уй раҳбари Жорж Бушни қайғуга солди. Бироқ, у Афғонистондаги ҳарбий миссия ҳар қандай шароитда ҳам охирига етказилиши лозимлигини таъкидламоқда. Халқаро коалиция операцияга жанговар самолётларни ҳам жалб қилган. Уч кун давомида АҚШ авиацияси террорчилар истеҳкомларига тўрт юзга яқин бомба ташлади. Шунингдек, бомбардимонда илк бор ҳар бири бир тонналик «вакуум бомбаси»дан фойдаланилди.

Афғонистоннинг ўзида эса, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш, янги иқтисодий инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар давом этмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатда аста-секин ҳаёт изга тушмоқда. Куни кеча Кобулда икки юзга яқин ҳарбий қўмондон иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда Афғонистоннинг мунтазам армиясини ташкил этиш масаласи кўрилди. Аввалроқ Афғонистонда мунтазам армия ташкил қилиш учун бир-неча йил керак, деган мазмундаги фикрлар бор эди. Лекин ҳозир миллий армия ташкил қилишни бошлаш вақти келганга ўхшайди. Чунки яқин кунларда халқаро кучлар зобитлари беш юзга яқин афғон ҳарбийлари билан ўқув машқларини бошлайди.

Саидмурод РАҲИМОВ (ЎзА).

«Ўзбекистондан бахтимни топдим», - дейди молдавалик келин Мая Шпак.

МОЛДАВАДАН ТУШГАН КЕЛИН

Мая Григоревна Шпак бундан ўн йил муқаддам Избоскан тумани Янгизамон қишлоғи Бўстон маҳалласидаги Дилоромхон ая Абдуллаева хонадонига келин бўлиб тушган эди. Маяхонни бу ерга муҳаббат етаклаб келган. Ўзбек йигити Бурхонжон Абдуллаев тақдир тақозоси билан Москвада ишлаган даврида молдаван қизига кўнгил қўйиб, бир-бирларини севиб қолишади. Улар Избосканга келиб, турмуш қуради. Орадан ўтган вақт ичида 3 ўғил, 1 қиз кўришди.

- Қайнонамдан ғоят миннатдорман, ўз онамдек меҳрибон, - дейди Маяхон, - мен оилада кенжа келинман. Қайнонам метин иродали аёл экан. У турмуш ўртоғи вафот этиб кетган бўлса-да, 6 ўғил, 5 қиз - 11 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказибди, уйли-жойли қилибди. Унинг 41 нафар набираси, 9 нафар чевараси уйга тўпланганда хонадонимиз янада файзли бўлиб кетади. Бу аёлнинг ҳаётий жасорати мени доим мамнун этади.

Унинг меҳнаткашлиги, саранжом-саришталиги ҳавасимни келтиради.Президентимиз томонидан ёш авлодга, оналар ва болаларга, кексаларга қилинаётган ғамхўрликларни, истиқлол даврида бўлаётган буюк ўзгаришларни кўриб, Ўзбекистонга, ўзбек халқига бўлган муҳаббатим янада ошди. Мен ота-онам яшаб турган Молдавияга бемалол бориб келиб турибман ва у ердаги қариндошларимни Ўзбекистондан бахт топганим ҳақида тўлқинланиб гапириб бердим.

Адҳамжон ОМОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ХАЛҚИНИ СЕВИБ БОЙИГАН ШОИРА

Ишқ ва ҳижрон аламларидан
Омон чиққан қайноқ дилим бор...

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия 82 йил умр кечирдилар ва ҳамма вақт қайноқ дил билан яшадилар. Қайноқ дил билан ижод қилдилар ва шундай дил билан одамлар ҳузурига ошиқдилар.

...Ўқувчилик пайтим машҳур шоиранинг китобидаги сувратига, унинг қоп-қора қайрилма қошлари-ю, чуқур маъноли шаҳло кўзларига, кенг пешонасига, умуман, ундаги мужассам бутунлик ва буюкликка мафтун бўлиб, узоқ тикилиб ўтирардим, хаёлан суҳбатлашардим. Шеърларини такрор-такрор ўқирдим...

Кейин журналист бўлиб, Фарғона вилояти газетасида ишлаб юрганимда бир куни бош муҳаррир «Ҳой, қизлар, театрда шоира Зулфия билан учрашув бошланяпти, бормайсизларми?» деб қолди. Дугонам Малика Мирзаева икковимиз шошиб йўлга чиқдик. Театр бор-йўғи икки кўча нарида-ю, ҳаяжондан қани етолсак. Вилоят театрининг каттакон зали лиқ тўла, шоира сўзларди:

- ...Мен Фарғона водийсининг сўлим, ҳавоси тоза, йигит-қизлари, аёллари гўзал Водий қишлоғида 45 кун яшадим. Дала айланиб, маҳаллаларда бўлиб, одамлар билан суҳбатлашдим. Фидойи меҳнаткашлар, аҳил, меҳр-оқибатли кишилар, зумрад далалар, тонгда уйғониб тўймай тикилганим табиат чиройи менга илҳом бағишлади.

Ойдин Ҳожиева, Зулфия ва Оқжамол Омарова. 1982 й.

Шоира ажиб бир илҳом билан шеър ўқий бошлади.

Ёз қуйнида чоққина қишлоқ
Ором кафтида гузар
Хиёл ҳорғин мен ўлтирмаёқ
Бир чол яхна чой тутар
Ота, яхна босмади ташнам
Сеҳрли эмасми, сув
Ланж, мудроқдан суғуриб танам,
Жонга солди минг ғулу.

Яна кўп оташин шеърларини тинглаб, қарсаклардан кафтларимиз ёпиб-ёпиб, жонимизда минг ғулу билан уйга қайтгандик. Ўшанда 1965 йил эди.

Не бахтки, орадан икки йил ўтиб, шу кичкина қаламим туфайли Зулфия опа мени «Саодат» журналига ишга таклиф қилдилар. Ва қучоқ очиб, меҳр билан кутиб олганларида гўё дунёга қайта келдим...

Зулфия опа «Саодат» журналига ўттиз уч йил муҳаррирлик қилдилар. Шу йиллар ичида миллион нусҳада босилишга етган журнал камоли, Зулфия шеъриятининг парвози, у яратган журналист, шоира ва адибалар мактабининг шуҳрати ҳақида ўйлаганимда инсон, истеъдод нималарга қодир-а! - дейман беихтиёр.

Йиллар давомида ишхонанг ҳам худди ўз уйингдек бўлиб қоларкан. Бу «уй»да сени ҳамма вақт тергаб, яшашни, курашни ўргатган, гоҳо хато қилганингда волидангдек қойиб, яна кечириб, сени тўғри йўлга солиб, ютуқларингдан қувониб, руҳлантирган, сенга қанот ато этган азиз кишинг-устозинг бўлиши - сенинг катта бахтинг экан.

Зулфия опа ҳеч қачон тинмайдиган тиниқ булоқ эди, назаримда. Кунлар, ойлар, йиллар давомида у бизга қанча ўгит, маслаҳат берди, парвозга ўргатди, фикрга, ақлга бойлигига қойил қолган вақтларимиз кўп бўлган. Бизга айтганлари Зулфиянинг «ўз» оламидан, яъни шеъриятидан қолганлари эмас, аёл тақдири, аёл маънавияти билан боғлиқ, журнал билан боғлиқ теран бир олам, яъни ғоят табаррук «Зулфия мактаби» эди.

Чорак аср давомида ёнма-ён ишлаб, унинг ўз ишига фидоийлигини кўрдим. Уззу-кун тинмай, кечқурун яна бир даста ишни уйига олиб кетиб, ўзининг асарларидек силқидилдан таҳрир қилганини кўрдим. Журналнинг хомаки саҳифаларини ўқиган чоғларида бармоқлари сурмаранг бўлганини кўрганман. Бош мақоладан тортиб, сувратларга ёзилган изоҳларигача ўқимишли бўлишини талаб қилиб ва аввало ўзи шундай ёзиб, шундай ишлаб намуна кўрсатганларига гувоҳ бўлдим.

Ҳар гал журнал топшириғи билан сафардан қайтиб, учрашган қаҳрамонларим ҳақида ёзарканман, гоҳо қаламим хит бўлиб, давом этолмай қолган чоғларимда Зулфия опа билан андак мулоқотдан сўнг руҳланиб, ёзишга киришган вақтларим кўп бўлган.

Яхши ёзсак устоз елкамиздан қучиб, «Яшанг, раҳмат! Баракалла!» деб қанчалар руҳлантириб юборганларини билсангиз эди. Лекин бироз юзаки фикр юритсак, кўз қарашлариданоқ камчилигу бепарволигимизни сезардик. Энди бу кўзлар меҳрига эришмоқ учун қаттиқ ишлаш зарурлигини ҳис этардик.

Зулфия «Саодат» журналининг ҳар бир сўзи худди ўз шеърларидек инсон юрагига, журналхонлар қалбига кириб боришини истарди. Одамлар шодлигига шодлик қўшиб, синиқ кўнгилларга малҳам қўйишни орзуларди ва бир умр шунга интилди. Инсон иродаси ва унинг садоқати нималарга қодирлигини Зулфия ўз ибратли ҳаётида исботлади.

Зулфиянинг фаол жамоатчи, депутат, жаҳонгашта шоира, тўйларимизда, фарзандларимиз туғилганида уйларимизга йўқлаб келувчи меҳрибон инсон, дўст эканлиги ҳақида эҳ-ҳе сўзлаб тугата олмайман. Зулфия опа ҳеч қачон бизни бировга ёмонламасдилар, кўпчилик олдида ё таҳририятимизга меҳмон келганда ҳар биримизни шунчалар мақтаб таништирардилар-ки, биз ана шу мақтовларга лойиқ бўлишга интилардик. Хатоларимиз ҳақида эса ёлғиз ўзимизга юзма-юз ўтириб, аста айтардилар.

Зулфия ҳар куни, ҳар соатда бир оқимда сузди. Унинг бир қирғоғи шеър, иккинчиси журнал бўлди. Назаримда бу иккиси суюкли фарзанд ёки икки қанот эди унга. Кўп юрт кезди, йўл юрди. Топган маънавий бойлигини, асл сўзини, фикрини журналга ва шеърга тўкиб яшади. Ва:

Ўзинг ташна этдинг, ўзинг
сув тутдинг
Қалбимдаги саҳром,
дарёмсан, халқим
Сени сева-сева мен
бойиб кетдим
Дунё ичра топган
дунёмсан, халқим!

-деб ёниб-ёниб куйлади.

Санъат МАҲМУДОВА.

ОЛАМ ТУРФА

ОҚ МАТЕРИКДА ИБОДАТХОНА

Москва ва бутун Русь Патриархи Алексей II-нинг берган оқ фотиҳасини олган Иваново ва Ярославль епархиясининг икки руҳонийси ҳамда Сергеев пасадининг 4 нафар ходими Антарктидага учиб кетишди.

Улар қитъанинг Беллингаузен станциясида қурилажак провослав ибодатхонасининг ўрнини белгилашади. Қурувчилар эса бу ерга март ойидан бошлаб кела бошлайдилар. Уларнинг олдида аёзли иқлим ва кучли шамолга бардош берадиган бинони бунёд этиш вазифаси турибди. Шу йилнинг охирига бориб 25 кишининг бу ибодатхонага ташриф буюриши кутилмоқда.

6 МИНГ МЕТР БАЛАНДЛИКДА

Ўттиз уч ёшли Америка фуқароси Майк Говарднинг жасурлиги ва эпчиллиги йиғилганларни ҳаммасини ҳайратга солди.

У Мичаган штати осмонида икки шар орасига тортилган олти минг метр баландликдаги арқондан моҳирлик билан юриб ўтди. У ўта қалтис ва хавфли ишга таваккал қилган эди. Бунинг қалтислиги шунда эдики, бунчалик юқори баландликда ҳаво оқими кучли ва ўзгарувчан бўлади. Шунга қарамай Майк мақсадига эришди. Унинг муваффақиятининг боиси мувозанатни сақлаш учун дорбозлар ишлатадиган лангар таёқдан усталик билан фойдаланганлигидадир, «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабарига кўра Майк бу таваккал қилиб бажарган иши учун каттагина мукофот олди.

ЭНГ НУФУЗЛИ МУКОФОТ

Редакцияга йўлланган бир мактубда халқаро Нобель мукофотининг миқдори ҳақида сўралган.

«Труд» газетасида босилган хабарга кўра бундан бир аср илгари таъсис этилган швед химик-инжинери Альфред Нобель номи билан юритиладиган мукофот ҳозирги кунда жаҳонда энг нуфузли ҳисобланади. Йил сайин олим қўйган капитали келтирадиган фойдасига қараб бу мукофот ўзгариб туради. Масалан ўтган йили унинг миқдори ҳар олти соҳа бўйича қарийб бир миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

2002 йилдаги Нобель мукофотига 151 номзод кўрсатилган бўлиб, бу нуфузли мукофот тарихида рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Бу йилги номзодлар орасида АҚШ президенти Ж.Буш ва Нью-Йорк мэри Р.Джулианилар ҳам бор.

Россияда эса Давлат мукофоти совриндорлари минимал шу ҳақининг мингтаси баробарида ёки уч юз минг рубльга тенг миқдорда пул оладилар.

ЕРНИНГ АЙЛАНИШИ СЕКИНЛАШМОҚДА

Бельгиялик олимлар ер юзининг глобал исиб бориши ҳамда куннинг узайиши ҳақидаги шу вақтгача маълум бўлмаган нарсани аниқлашди.

Уларнинг таъкидлашларича атмосферадаги углерод-оксиди газининг кўпайиши натижасида ернинг айланиши билинар-билинмас секинлашади ва бу куннинг сезиларсиз даражада узайишига олиб келар экан. Шунга қарамай бу ўзгариш XXI аср мобайнида ҳам сезиларли даражада содир бўлмайди ва бу рақам йилига бир неча микросекундан ташкил қилиши мумкин. Шу аснинг 70 йилларига бориб эса углерод-оксиди газининг концентрациялашишининг кучайиши кутилмоқда.

Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

Жонкуяримиз

ОБОД МАҲАЛЛАЛИК ҲОЖИ ОНА

Пойтахтнинг Ҳамза туманидаги Янгиобод маҳалласидаги катта оилалардан бирида олти ўғил, олти келин, 25 нафар набирали Муҳаббат опа яшайди. Англашимизча, Муҳаббат опанинг меҳрию ширин забони, оқилалигу дуогўйлиқдек оҳанрабоси бор, фарзандлар, келинлар - ҳаммалари ана шу оҳанрабога интилиб, ундан қувватланиб турарканлар.

- Муҳаббат опа, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатида маҳалладаги оилавий қўйди-чиқди можароларига аралашиб турасиз. Сир эмас, аксарият можаролар қайнона-келин муносабатларидан келиб чиқади. Муҳокама пайтида қўпроқ кимга ён босасиз, қайнонагами ё келинга?

- Аввало жанжал сабабларини аниқлаб, қайси томон ҳақ бўлса ўша томонга ён босамиз. Келинчакларимизга насиҳат қиладиган ўринларимиз ҳам бор. Нима бўлганда ҳам қайнона ёши, тажрибаси катта одам. Умуман олганда, қарс икки қўлдан, «Қайнона қайнамаса, келин айнимайди» деган мақол ҳам бор-ку. Аксарият жанжаллар арзимаган сабаблардан чиқади, ёш келин рўзғор тутишда, муомилада хато қилиб қўяди, қайнона эса буни нўноқликка,ҳурматсизликка йўяди. Келиннинг йўриғига солиш, тарбиялаш кўпроқ қайнонанинг ўзига боғлиқ. Маҳалламизда шундай бир одатни йўлга қўйганмиз: байрамларда, айёмларда энг оқила, зукко қайноналарни маҳалламиз аёллари гувоҳлигида бирон совға билан, ҳеч бўлмаса ўзим бисотимдан бирон кийимлик билан тақдирлайман ва албатта «Бу сизга яхши қайнона бўлганингиз учун» деб таъкидлайман...

Р.АКБАРАЛИЕВ олган сурат

- Маҳаллангиз оқсоқоли Сиз ҳақингизда гапираётиб «Жуда саховатли, одамларга меҳрибон аёл. Кам таъминланган, муҳтож оилаларга доимо мададкор, ҳатто менга айтиб ўтирмай, ўз маблағларидан ёрдам бериб юборавердилар», дея таърифладилар.

- Очиғи, бир одамга саховат қилиб, кейин гапириб юриш жуда ноқулай. Ҳамма ҳам менга ёрдам беринг, муҳтожман, дея маҳалла оқсоқолига мурожаат қилавермайди, уялади. Муҳтожлигини кўриб туриб, ўша одамнинг ўзи келишини кутиб ўтириш шартми? Байрам баҳонасида, ёки шунчаки кўнгли оғримайдиган қилиб ёрдам бериш мумкин-ку. Мен поликлиникадаги дўхтирларга ҳам тайинлаб қўйганман: маҳалламиз аҳлидан кимда-ким дори-дармонга камхаржлик қилса, менга албатта қўнғироқ қилиб айтишади. Қўлдан келганча, баҳоли қудрат ёрдам уюштирамиз. Асосий эътиборимиз ёш оилалар ва ёрдамга муҳтож кексаларимизга қаратилган. Муҳими, маҳалла-кўй ишига доимо тайёр турган Хотира Баширова, Шоҳиста Орифхўжаева, Шоира Каримова, Матлуба Абдиева, Ойтўра Шамсимуҳамедова сингари жонкуяр опа-сингилларим бор.

- Муҳаббат опа, Сизга бир эмас, уч марта Ҳаж сафарига бориш насиб этибди, зиёратингиз қабул бўлсин. Энди Сизни нафақат фарзандларингизнинг, балки Янгиобод маҳалласининг Ҳожи онаси десак, ҳам бўлади.

- Аввало, шундоқ имкониятларга йўл очган замонамизга, Президентимизга минг ташаккур. Одам ўзи учун бир марта Ҳаж қилса, кифоя. Бу сафар мен онам учун Ҳаж қилишга ният қилгандим, Оллоҳга шукр, ниятимга етдим. Энг катта ниятим, юртимиз тинчлиги, маҳаллаларимиз ободлиги. Бизнинг Янгиободимиз ҳам маҳаллаларнинг энг ободи бўлса, дейман.

М.ҚУРБОНОВА.

Суратда: Муҳаббат опа набиралари қуршовида.

Фахримиз

СОФИЯ КЎЗЛАГАН ЧЎҚҚИЛАР

Элгезар Каспўлатовлар оиласи нафақат Боғишамол маҳалласи, балки бутун Қашқадарёнинг фахри. Улар эъзоз ва шарафга спортда эришаётган ютуқлари туфайли сазовор бўлганлар.

1994 йил эди. Эндигина 11 ёшга тўлган София сузиш секциясига қатнашадиган опаларига эргашиб Қарши шаҳридаги спорт комплексига борди. Бу ерда у ёшларга каратэ бўйича сабоқ бераётган Алишер Содиқовнинг назарига тушди. Ноила опанинг: «кам таъминланган оиламиз, қизимиз учун керакли маблағни вақтида топиб беролмаймиз» деган эътирозларига қарамай, Софияни тўғаракка бепул қабул қилди. Бир йил ўтар-ўтмас вилоят биринчилиги мусобақаларида қтнашган София фахрли ўринни олишга муваффақ бўлди.

1995 йилда Республика каратэчилар мусобақасига номзодлар танланганида устоз шогирдининг номини ҳеч иккиланмай тилга олди.

Шундан сўнг София спорт пиллапояларидан бирин-кетин дадил қадамлар билан кўтарила бошлади. Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Грециядa ўтган жаҳон чемпионатида учинчи ўрин билан кифояланган қиз, Венгрияда бўлиб ўтган жаҳон кубогида иккинчи ўринга лойиқ топилди. Республика каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов қизнинг иродасига ишонди ва у Малайзияда ўталиган Осиё чемпионати қатнашчилари сафига қўшилди. У бу ердаги оғир курашларда каратэ мамлакати Японияннинг донгдор спортчиси ҳамда мезбон юрт-малайзиялик рақиби устидан соф ғалабага эришиб, Осиё чемпиони олтин медалини қўлга киритди. Мутлақ вазнда эса кумуш медал совриндори бўлди.

Айни кунларда София Қарши Давлат Университетида жисмоний тарбия факультети талабаси. Ушбу дамларда Франция пойтахти Парижда ўтадиган очиқ чемпионатга астойдил тайёргарлик кўрмоқда. Унинг ягона орзуси жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритиш, 2004 йилда Грециядa бўладиган олимпиадада мамлакатимиз байроғини баланд кўтариш.

- Биз маҳалламизда туғилиб ўсган София, унинг спортга ихлосманд сингиллари, укаси билан фахрланамиз, - дейди Боғишамол маҳалласи фуқаролар кенгашининг раиси Зулайҳо Ташатова.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!

Етакчимиз

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»НИНГ ОДИЛА РАИСАСИ

Одила УМАРХЎЖАЕВА - қарийб 36 йилдан бери Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳалласида оқсоқоллик қилади. Демак, у республикамиздаги аёллардан чиққан энг биринчи оқсоқол. Одила опанинг аёл боши билан катта бир маҳаллага бошчилик қилиш масъулиятини кўп йиллар давомида бекаму кўст адо этиб келаётганлигининг ўзи катта жасорат! Бунинг устига унинг ўттиз олти йиллик фаолияти давомида йиғилган тажрибалари бир олам.

- Одила опа, маҳаллангиз тарихидан, раисалик фаолиятингизнинг илк дамларидан сўзлаб берсангиз.

- Маҳалламиз тарихи ҳам, менинг фаолиятим ҳам бир кунда бошланган.

1966 йилдаги ер қимирлашидан сўнг ўзингизга маълум, қанчадан-қанча ҳамшаҳарларимиз бошпанасиз қолганди. Биз асли Қашқар маҳалласида турардик. Табиий офатдан сўнг мана шу қуруқ ерга кўчиб келдик. Кўпчилигимиз Шайхонтоҳур, Юнусобод даҳасидан келгандик, бир-биримизни яхши танимасдик. Одамлар бошпанасидан, мол-мулкидан айрилган, тушкун кайфиятда эдилар. Бундай дамда кўпчиликни ҳамжиҳат қила оладиган бир одам керак. Нима бўлдию, мени вақтинча шу одамларга бошчи этиб тайинлашди. Нега айнан мени, нима қиламан, деб ўйланиб ўтирадиган фурсат эмасди. Ёппасига ишга киришдик: бузилган уйларимиздан қурилишга ярайдиган нима бўлса ташиб келдик. Биринчи навбатда нонвойхона қурдик, бирин-кетин чойхона, сартарошхона, маҳалла идораси, клуб ва бошқа биноларимиз ҳам битди. Ҳаёт изга тушди. Шунда маҳалламизга ном бериш ва оқсоқол сайлаш учун йиғилдик. Тумандан келган вакиллардан бир кайвониси маҳаллани, қурилаётган уй-жойларни кўриб, шаҳарнинг шарқидан шунча хонадон бу ерга кўчиб келибдию, юлдуздек қўнибди, номи ҳам «Шарқ юлдузи» бўлсин, деди. Раисликка эса бир овоздан яна ўзимни сайлашди.

- Одила опа, бешта фарзандингнинг онаси, рўзғор бекаси учун ҳам ўқитувчилик, ҳам маҳаллага раислик қилишнинг ўзи бўлмайди. Оилангиздагилар, турмуш ўртоғингиз маҳалладаги фаолиятингизга қандай муносабат билдирганлар?

- Турмуш ўртоғим гапни чўзиб ўтирмай «Онаси, қийналиб қолмайсизми?» деб сўраганлар. Мен ҳам «Сиз қўллаб-қувватламасангиз албатта қийналаман, ёрдам берсангиз эплардим» деганман. Лекин маҳалла иши бир-икки одамнинг жонкуярлиги билан битиб кетавермайди. Қўни-қўшни, одамлар бир-бирига қайишмаса қийин. Бизда азалдан меҳр-оқибат борлиги учун ҳам маҳаллаларимиз гуллаб-яшнаб келяпти. Ҳозир-ку Оллоҳга шукр, эркимиз қўлимизда. Ўша шўро тузуми даврида ям айримларни ҳисобга олмаганда, одамларимиздан меҳр-оқибат, иймон кўтарилган эмасди. Асосий чойхонамиздан ташқари, алоҳида кичкинагина «Оталар чойхонаси» қургандик. Кексаларимиз ўша ерга тўпланиб яширин намоз ўқишарди. Шунча текширтекширларда ҳам намозхонларимизни пайқашмаганди. Масъул лавозимда ишлайдиган маҳалладошимизнинг отаси қазо қилганда, тазйиқдан қўрқиб мозорбошига ҳам боролмаган, ўз отасининг жанозасида қатнашолмаганди. Бир оқсоқолни эса маҳалласида жанозани бекор қилмагани учун ишдан ҳайдаштанди... Мана, бугун у кунлар ортда қолди, энди яхши ишлаб, яхши яшайман деган одамга барча имкониятлар муҳайё. Маҳалламизда байрам тадбирлари бўладими, ободонлаштириш ишлари бўладими доимо «лаббай» дейдиган Нодира Шохўжаева, Ҳайбатулла Ибрагимов, Нуриддин Рауфхўжаевдек саховатпеша, тадбиркор инсонларимиз бор...

36 йил кўп ўзгаришлар қилди. Лекин унинг қалбидаги маҳаллага бўлган меҳр ҳамон ўша-ўша.

Одила опа меҳнатига яраша тақдирланган, қадр топган инсонлардан: Республикада хизмат кўрсаттан маданият ходими, «Шуҳрат» медали соҳибаси. Яна турли нишонлару фахрий ёрлиқларнинг ҳисобига етиш қийин.

Ўттиз олти йил - салмоқли вақт. Аёл одамга шунча йил минглаб одамнинг яхши-ёмон кунида бошчилик қилиш учун ғайрат-шижоатдан ташқари катта жасорат, одамларга нисбатан чексиз меҳр керак бўлади. Маҳалла хотин-қизлари кенгаши раиси Лаълихон Рўзиевага берган «Наҳотки шунча йил давомида бирон марта ҳам маҳалла аҳлида маҳалла раисини алмаштириш фикри туғилмади?» деган саволимга «Ҳар галги сайловда муқобил номзодлар қўйилади, лекин маҳалламиз аҳли улар билан ҳатто қизиқишмайди ҳам», деган жавобидан билдимки, Одила опанинг одамларга қўйган меҳри юз карра кўпайиб, унга билдирилган ишонч сифатида намоён бўлаяпти экан.

Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Изҳор

Байрам олдидан совға олдим

У ҳам бўлса маҳалла оқсоқолидан

Биз олти ўғил-қизни тарбиялаб, элга қўшдик. Эндиликда ўттиздан ошиқ набиралар ардоғидамиз. Аммо, одам кексайган сари жисман заифлашиб боравераркан. Умр йўлдошим - Жуманбой Тиллаев саксон ёшларида қаттиқ хасталаниб қолдилар. Икки-уч йилдан буён дўхтирлар муолажасига қатнаймиз...

Ён-атрофингдаги кишилар меҳр-муҳаббат билан қараса, иззат-ҳурмат кўрсатса беихтиёр беморлигинг ҳам ёдингдан чиқиб кетаркан. Аёллар байрами арафасида Янгичек маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Турсунов бир дунё совғасаломлар билан бизни йўқлаб келди. Бу йил Қарияларни қадрлаш йили эканини айтиб, кўнглимизни кўтарди.Ўша куни хурсандчилигимдан кўзларимга ёш келди. Биз қарияларни қадрлаётган жамики одамларни, айниқса Юртбошимизни дуо қилдим. Яхшилар доимо бор бўлсин, чунки уларнинг меҳр-муруввати биз кексаларнинг умримизга умр қўшади.

Рисқибону ЗОКИРОВА.
Наманган вилояти Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғи.

Шўрчи тумани «Далварзинсавдо» ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Мунис онахонларилиз ва опа сингилларилизни 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан муборакбод этади!

Яхшилар гулшани

Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ

«ВОЛИДАМ - МАККАМ, МАДИНАМ...»

Оташнафас шоир ва ҳақиқатгўй инсон Боборaҳим Машрабнинг туғилиш тарихи, ҳали у онасининг қорнида экан, баққолнинг бир шингил узумини ҳақ тўламай егани учун норози бўлиб, она қорнидан волидаи мукаррамасига баққолни рози қилишни сўраб нидо қилгани, рози қилмасангиз қорнингиздан ўйиб бўлурман, деб уни қўрқутгани тилларда достон, ҳалолликка даъват сифатида халқимиз орасида машҳур. Машраб ҳаёти шу хил афсона ва ривоятлар билан тўла бўлиб, уларсиз шоир сиймосини тасаввур этиш ҳам қийин.

Шу билан бирга шоирнинг онаси бўлиш ҳам қийин савдо экан. Машраб меҳрибон устози Мулло Бозор Охунд қўлида савод чиқаргач, Намангандан Кошғар томон, улуғ эшон - Офоқхўжам ҳузурига ўқиш, ўз билимини янада ошириш учун йўл олиб, у ерда узоқ вақт қолиб кетади. У Наманганда эканида шеър ёза бошлаган бўлса-да, бироқ шоир сифатида шаклланишида бу ердаги адабий муҳитнинг аҳамияти катта бўлган. Айни вақтда унинг таржимаи ҳолидаги энг қўнгилсиз ҳодисалар ҳам шу ерда содир бўлган... Наманганга эса, машрабшунос Ж.Юсуповнинг ёзишича, у тахминан 1690-йилларда қайтиб келган. Қайтиб келишига онасининг хасталиги ва ниҳоят ўлими сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шундан кейин эса унинг сафари бошланиб, бу сафар Қундузда (баъзи манбалар бўйича Балхда) 1711 йили унинг ҳаёт шамъининг ўчиши билан ўз ниҳоясини топган.

Машрабнинг узоқ вақт Кошғарда қолиб кетиши унинг оиласи учун, айниқса онаи зори учун енгил бўлмаган. Худди шунингдек, Машрабнинг ўзи учун ҳам. Узоқ фурсат онасининг бағридан узоқда яшаган шоир ўзининг бутун дард-аламини унинг вафоти муносабати билан ёзилган махсус мухаммасига тўкиб солган. Бу - марсия-мухаммас бўлиб, 10 банддан иборат. Мухаммас қуйидаги мисралар билан бошланган:

Эй сафо бахши баҳорим, бўстоним, қайдасан?
Нури дийдам, мушфиқим, ороми жоним, қайдасан?
Эй тириклик боиси, сарви равоним, қайдасан?
Ёлғизим, уйда рафиқи ғамгусорим қайдасан?
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Онасининг меҳрига қонмаган ва дарбадар ҳаёт кечирган шоир ўз тақдирининг оғирлигидан ўртаниб, шеърнинг учинчи бандида шундай сатрларни битган:

Бу жаҳонда лаҳза ором топмадим бир дам тиниб;
Булбули бечораман, синди қанотим қайрилиб;
Бенаводурман бу боғ ичра пару болим синиб;
Чун етим бўлдим бу кун, қолдим онамдан айрилиб,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?

«Чун етим бўлдим бу кун...» - деб ёзишидан шоир онасининг вафотига, чиқарилишига етиб келган қўринади.

Бир неча йил Кошғарда бўлиб, уйғурлар билан доимий мулоқотда бўлган Машраб бу шеърининг бешинчи бандида «ҳайрондурман», «саргардондурман», «сомондурман» каби сўзларни уйғур шевасида «ҳайрондуман», «саргардондуман», «сомондуман» шаклида ёзган:

Бу ўлумни дастидин, эй дўстлар, ҳайронду(р)ман;
Топмайин ҳеч чораи, ҳар ерда саргардонду(р)ман...
Дардим афзун, дил паришон, бесару сомонду(р)ман...

Шеърнинг ҳадди аълосини эса сўнги сатрлар ташкил этади, - дейиш мумкин. Шоир узоқ юртларда бўлиб, онасининг хизматларини қилолмаганидан қаттиқ ўкинади:

Ҳарза юрдум, бир шаҳарда истиқомат қилмадим;
Эй азизим, мен сенга жон бирла хизмат қилмадим...
Бўлмасун ҳечким менингдек булбули беэътибор;
Хизматингда ҳозир ўлмай, Машрабингдур шармсор...

Менинг назаримда, биз - машрабшунослар улуғ шоирнинг бағри куйиб-ёниб ёзган бу каби шеърларининг тегишли баҳосини ҳали бера олганимиз йўқ. Машраб ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг доимий ўрганилиши керак бўлган ва ҳар бир асари шунга арзийдиган ижодкорларимиздан биридир. Шоир шеърларининг чуқур илмий таҳлиллари ёшларимиз тарбиясига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.


Қишнинг чекиниши

Янги рисола

«ҚАДРИЯТНОМА»ДАГИ ҚАДРИМИЗ

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан яқинда чоп этилган «Қадриятнома» китобини ўқир эканман қадимий бетакрор ўзбекона қадриятларимиз кўз олдимда яна бир бор намоён бўлди. Муаллифлар марҳум филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов, фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов ва филология фанлари номзоди, доцент Абдуолим Эргашевлар томонидан яратилган бу китоб халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари ва расм-русумлари чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиб берилган.

Китобда муомала муносабатларимиз, яшаш тарзимиз, инсонийлик қадр-қимматимиз, табиатга бўлган муносабатларимиз қандай бўлмоқлиги алоҳида-алоҳида сарлавҳалар остида ўз аксини топган. Саломнинг сеҳри, тўйлар, фарзанд тарбияси, куёв-келин ахлоқи, ота-она, қайнона-қайнота қадри, нонга бўлган эътиқод, ҳурмат, табиатнинг, сувнинг муқаддаслиги, китоб-тафаккур кўзгуси эканлиги, талабалардан талаблар, қўшнилар муносабати ва маҳалла одобномаси ҳар бир китобхонни ўзига ром этмасдан қолмайди.

Муаллифлар бу китобни биринчи китоб деб атаганлар. Ҳақиқатдан ҳам бу китобда ўз аксини топмаган қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз талайгина.

Саъдулла ЎЛЖАЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Қашқадарё вилояти Ғузор тумани бўлинмасининг раиси.

МУҲАННИЛАР ТАЖРИБИ

ҚЎЙ Қарама-қарши жинс билан хоҳ дўстона, хоҳ ишқий муносабатлар учун жуда қулай онлар ихтиёрингизда. Ўзингизга, қобилиятингизга ишонинг, келаси чоршанбагача анча ютуқларни қўлга киритишингиз мумкин.

БУЗОҚ Шу кунларда янги дўстлар орттирасиз, қувноқ давраларда бўлиб, ёқимли кишилар билан мулоқотда бўласиз. Уларда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилинг, асқотиб қолади.

ЭГИЗАКЛАР Бугундан ўзингизни худди эртаклар мамлакатига тушиб қолган кишидек ҳис қиласиз. Ҳамма сизга хайрихоҳ, меҳрибон ва меҳмондўст. Қобилиятингизни ишга солинг, шу кунларда обрўингиз янада ортади.

ҚИСҚИЧБАҚА Шу кунларда Сизга севги изҳор қилганларнинг муносабатлари жуда мустаҳкам ва самимийдир. Айнан ана шундай муносабат Сизнинг келажакдаги муваффақиятингизга пойдевор бўлиши мумкин.

АРСЛОН Керак пайтда айёрлик ҳам қилиш мумкин. Ўзингизни шу кунларда бироз қувноқликка солиб юринг. Ишда ҳам, уйда ҳам байрамона кайфиятдагиларга тақлид қилинг.

ПАРИЗОД Самодаги ҳомийларингиз бу ҳафтада Сизга жуда ёнбосмоқдалар. Келаси чоршанбагача кўп ишларни битиришга улгурасиз, энг муҳими бунинг учун Сиздан айтарлик жонбозлик талаб этилмайди.

ТАРОЗУ Фасл алмашинуви Сизга яхши кайфият бағишламоқда. Ушбу қўтаринкиликни атрофингиздагиларга ҳам юқтиришга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН Совғани олиш ҳам, бериш ҳам жуда ёқимли тадбир. Севган кишингизни арзимас совға билан бўлса-да, кўнглини овланг.

ЎҚОТАР Иш жойингизда ҳамкасбларингиз даврасида ёқимли онларни бошдан ўтказасиз. Лекин кўча хандон, уй зиндон бўлиб қолманг, оила аъзоларингизни ҳам эътибордан четда қолдирманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ Оила, оила ва яна оила! Иложи бўлса иш жойингиздан бирор кунга жавоб олиб, оилангиз билан бирга бўлинг, меҳмонга боринг, сайр қилинг, ҳуллас дам олинг.

ҚОВҒА Бордию Сизга шу кунларда севги изҳор қилсалар, ишонинг бу ҳис-туйғулар самимий! Бироқ жавоб қилишда ўзингиз ҳам самимий бўлинг, кўнгил билан ҳазиллашиб бўлмайди...

БАЛИҚ Молиявий аҳволингиз яхшиланиши боис яқинларингизни совғалар билан ишлаш имкониятига эга бўласиз. Байрамона кайфиятни узоққа чўзиш учун бироз оғирроқ бўлишингизга тўғри келади.

Фильмлар ва таассуротларимиз

«ШИФОНУР»ГА КЕЛГИН, ЭСМЕРАЛЬДА!

Шу «Эсмеральда» деган киноси бошландию, уйимдан ҳаловат ариди. Кеч бўлиб, телевизор «Эсмералда-ей» деб чақириши билан келинларимну невараларим телевизорнинг тагига тизилволишади, денг. Қилиб турган ишию, еб турган ошиям жой-жойида қолаверади. Вой, тағин бу кампир келинлари телевизор кўрса ғашлик қиларкан, деманглар , ўргилай.

Ман фақат газда қолиб, қоп-қора қийиндига айланган човгумга қуйиб кетаманда.Худога шукрки баъзан киноси тушмагур узоқ давом этмаслиги иш беряпти. Ўзиям киночилар аввалги киноларнинг ҳар сериясини палон вақтга чўзиб чойгуми, ёғи қуйган кампирлардан кўп гап эшитишган шекилли. Бунисиям майли, улар кинодаги кўр қиз қулса - қулади, йиғласа - йиғлайди. «Ман ўлсам ҳам шундай йиғлайсанлар-ми», дея ҳазиллашиб ҳам қўяман гоҳида. Ўша пайтда меҳмон келиб қолса, келинларим қовоқтумшуғини осволиб, тоза уятга қўйишади. Бир-икки марта ўтилларимнинг хотинларига қатти-қуруқ гапираётгани қулоғимга чалинди қолди. Чунки улар шу вақтда Московнинг «Время»сини кўраман, дейди. Барибир келинларим ютиб чиқади.

Шу десангиз, ўзим ҳам яхши кўриб қолдим шу бечорагина Эсмеральдасини. Худо кўзини ожиз қиб қўйганга яраша, ота-онасининг бағрида бўлсаям майлийди, шўрликкина. Яхшиям, қиз қурғур кўрман деб, бир жойда ўтиравермайди, эпчилгина экан, қоқилмай сурилмай юради, излаган манзилига бемалол етиб боради, ёмон ниятлилардан қочиб ҳам улгуради. Баъзан кўрлигига ишонайми, ишонмайми деб қоламан. Бу дейман, шу қизнинг юртида биздаги «Шифонур»га ўхшаган жойлар йўқмикин-а? Йўқ бўлса, шу ерга келақолсаям бўларкан. Келса, ўша «Клиника Шифонур эшитади» дейдиган («Шифонур клиникаси дейишга уялармикан?) бийрон қизнинг олдига ўзимоқ бошлаб борардим. Ишқилиб, кўзим очиқлигида шу шўрлик қизнинг кўзи очилишини, ота-онаси бағрига қайтишини кўрсам эди, армонсиз кетардим. Бу телвизордагилар ҳам қайноналардан чўчиб, ҳар куни ўн-ўн беш минутдан қўйиб, жуда чўзворишди. Бу ёқда менга ўхшаган қарияларниям умри абадий эмаску...

ҲАЙРОН ХОЛА

ОЖИЗА ҚИЗНИНГ КЎРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИ

*Ҳайрон хола, хавотир бўлманг, сизга ўхшаб «Эсмеральда»нинг 97 серияси**ни кўришга тоқати етмаганлар учун Машҳурахон Тўхтамирзаева деган қизингиз «Интернет» сарҳадларидан ушбу сериалнинг якунини қидириб топди. Кўзи кўр қаҳрамонимиз - Эсмеральданинг саргузашти нима билан тугашини мана эшитинг:*

Ота-онасининг қаршиликларига қарамай Хосе-Армандо Эсмеральдага уйланади. Бироқ уларга бирга бўлиш насиб этмаган экан. Куёв қаллигини уйига олиб келганида дарғазаб бўлган ота Эсмеральдани кўчага ҳайдаб чиқаради. Бу ҳам етмаганидек, қизни у Лусио Малавернинг қўлига топширади. Вазиятдан фойдаланган Лусио тунни ожиза билан бирга ўтказганини эътироф этади. Эсмеральда эса ҳеч нарсани эслай олмайди...

Тез орада Эсмеральда ва Хосе-Армандонинг туғилиши ҳақидаги ҳақиқат ошкор бўлади. Бу пайтда қиз фарзанд кутаётган бўлиб чиқади. Хосе-Армандо эса фарзандни Лусио Малаверники деб ҳисоблайди ва турмуш ўртоғидан болани олдириб ташлашини илтимос қилади. Қиз унга рад жавобини берганида, Хосе-Армандо болани тан олишдан воз кечади ва ажралишга қарор қилади.

Эсмеральда ўғил кўради. Хосе-Армандо ўғлини тан олмайди. Лусио Малавер фурсатдан фойдаланиб, Эсмеральда унга турмушга чиқмаса гўёки ўғлини ундан олиб қўйишини айтиб қўрқитади.

Эсмеральда шифокор Альваро билан танишиб қолади. Альваро қизга кўзини операция қилдиришни таклиф этади.

Лекин бу ерда ҳам муаммо мавжуд. Эсмеральда ҳамда Альваро ишлаётган касалхонада Хосе-Армандо ҳам шифокор бўлиб ишлайди. Хосе-Армандо шифокорлардан биринг қизи билан унаштирилади. Эсмеральда ва Хосе-Армандо ҳамон бир-бирларини севишларига қарамай ҳар гал рўбарў келишганда бегоналардек ўтиб кетишга мажбурлар.

Эсмеральда кўзини операция қилдиради ва ёруғ дунёни ўз кўзлари билан кўради. Энди у ўғлининг дийдорига тўйиб-тўйиб боқади, севгилиси Хосе-Армандони Лусио Малавернинг даҳшатли, аянчли юзини ўз кўзлари билан кўришга муваффақ бўлади. Шунда доктор Лусио юзини пластик операция қилдирмоқчи бўлади.

Тақдир тақозоси билан бу операция Хосе-Армандога топширилади. Гиппократ қасами туфайли никоҳи ва ҳаётини бузган ярамаснинг ҳаётини сақлаб қолишга мажбур Хосе-Армандо Лусиодан бир нарсани - Эсмеральда ва унинг ўғлини тинч қўйишини сўрайди. Бироқ Лусио бунга кўнмайди. Шундай бўлса-да, унинг ҳам ҳаёт юлдузи сўнади. Хосе-Армандо қанча ҳаракат қилмасин, Лусионинг ҳаётини сақлаб қола олмайди. Ўлими олдидан Лусио Хосе-Армандога Эсмеральдага ҳатто қўлининг учини ҳам теккизмаганини ва Эсмеральданинг фарзанди Хосе-Армандонинг ўғли эканини айтади.

Хосе-Армандо тўйини бекор қилади, аммо энди кеч бўлган эди... Эсмеральда Альварога турмушга чиқишга рози бўлади.

Хосе-Армандо Эсмеральдага халақит бермасликни лозим топиб, ранчога жўнаб кетади. У ерда отдан йиқилгач, кўзлари кўрмай қолади.

Бўлган воқеадан хабар топган Эсмеральда ранчога шошади. Ва фақат унинг ташрифигина Хосе-Армандога ҳаёт мазмунини ҳамда кўзининг нурини қайтаради. Альваро аёлнинг собиқ эрига муҳаббати сўнмаганлигини тушуниб, Эсмеральданинг эркини ўз қўлига беради.

Шундай қилиб, Хосе-Армандо ҳама Эсмеральда қонуний турмуш қурадилар ва бахтли ҳаёт кечирадилар.

Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА.



«Гап йўғида гап» эмас

ЭСЛАТМАДА МАНТИҚ БОРМИ?

Тасаввур қилинг: Уй тўла меҳмонлар. Шу тобда шу уйда йиғилганлардан кўра ёши катталароқ одам кириб келди. Ҳеч шубҳасиз уни юқорига ўтказишади. Ёки бирон бир тўй-маъракаларда кекса отахондан олдин ўтиб кетган ёшроқ одамни кўрмайсиз. Бу ҳаётнинг, айниқса, мусулмон оламининг, хусусан, юртдошларимиз ҳаётида қатъий амал қиладиган, ёзилмаган қонунидир.

Ҳа, бу қоида хонадоннинг, тўю маъраканинг кириш қисмида ёзиб қўйилмаган ёки шу даврада кимдир микрофонни қўлига олиб уқтирмайди ҳам бу қоидани. Шунингдек, касалхона эшигига ҳам бу ерда ётган беморларни келиб кўринг, ҳолидан хабар олинг мазмунидаги эслатма ёзиб қўйилмаган. Аммо қайси даволаш масканига борманг, бемор қариндоши ёки яқинларидан ҳол сўраб келаётган қўлида ноз-неъмат тўла одамларни кўрасиз. Назаримизда бу каби инсоний фазилатларимизни бизга қаердадир ёзиб қўйиб, ёки овоз ёзуви орқали эслатиш нафсониятимизга теккандек бўлади.

Пойтахтимизда метро салонига киришингиз билан ёзув тасмаси орқали йўловчиларга ёши катта, ёш болаларга жой беришни илтимос қилинади. Айтинг-чи, бу ҳаётий қоидани ким билмайди? Кимки уни бажармаётган бўлса, билиб туриб бажармаяпти. Хўш, бу уқтирмани метрода ҳар куни юрадиган йўловчининг қулоғи остида айтавериб, уни бу одатий қоидадан совутиб қўймаяпмизми? Бунинг устига баъзан бу эслатмани эшитганингизда вагонда ўтириш учун жой ҳаммага етарли бўлади, баъзан эса уч-тўртта одам кетаётган бўлади. Шунда бу гап такрорланавергач, унга бепарво бўлишга мажбурсан. Ҳолбуки, айнан шу ўринда йўловчиларга фойдалироқ ахборотлар зарурдир. Балки ер ости йўлида кетаётган йўловчига бугунги, айниқса, шу тобдаги об-ҳаво ҳолатини, балки валюта алмашинув баҳосини, балки мазкур бекатдан қайси масканга чиқиш қўл келиши кабиларини эслатиш фойдалироқдир. Метронинг Чилонзор йўналишидаги Собир Раҳимов номли бекатдан чиқиб эса ўзингизни ёки ё кўр, ё кар деб ўйлайсиз. Негаки, шундоғам сизга аён бўлган чиқиш йўлини у ерда автобус, «маршрутка» кетаётганини бақириб, дод солиб сизга кўрсатиб қўйишади, чиқишингиз билан бир қадам нарида шундоғам ўтишга йўл қолдирмай ғашга тегадиган иппадромга борувчи «маршрутка» ва автобусларга деярли етаклаб олиб келишади. Тавба, наҳотки, одамлар шу ерга келганда йўл танимайдиган бўлиб қолган бўлишса. Ахир катта бир шаҳарни айланиб келаётган одам наҳотки шуни билмаса. Бу «меҳрибончилик»дан мантиқ борми? Ўйлаб қоласан, мабодо сизнинг шу тобдаги шеригингиз хориҳлик бўлса, бу ҳолни нима деб изоҳлаган бўлардингиз?

«MAHALLA» мухбири.

МАСЛАҲАТ

ИСТИМАНГИЗ ЧИҚСА, ТУЗ ЕНГ

Маълумки, кишининг ҳарорати баланд бўлганда иштаҳаси йўқолиб, ҳоли қурийди. Баъзан боши ҳам айланади. Бундай вақтда ош тузини истеъмол қилсангиз, аҳволингиз бироз енгиллашади.

Ҳайрон бўлаётгандирсиз-а? Бўлмаса, эшитинг. Тана ҳарорати кўтарилганда киши суюқликни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ йўқотади, тана ҳарорати кўтарилганда киши суюқликни ҳар қачонгидан кўпроқ йўқотади, тана сувсизланиб қолади. Танадан ош тузи (натрий хлорид) кўп ажралгани боис қон айланиши секинлашади, томирларда тромб (тиқин)лар пайдо бўлади. Қон босими кескин тушиб кетишиям мумкин. Шундай вақтда 1/4 чойқошиқ тузни бир стакан миқдордаги қайнатиб совутилган сувга солиб, сўнг ичинг. Агар аҳволингиз анча оғир бўлса, аввал тузни ютиб, сўнг устидан сув ичинг. Бироз енгил тортасиз ва асорат қолдириш мумкин бўлган хавф ўтиб кетади

М.МУСЛИМ тайёрлади.



ХАЛҚ АОНИШМАНАЛИГИ, КЕКСА АВЛОД ТАЖРИБАСИ, МАҲАЛЛА ҲАЁТИНИНГ ОЙНАСИ — MAHALLA БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА
Саҳифаловчи: Алишер ЙЎЛДОШЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-3337 Топширилди—20.30